«БИРЛИК» ТАШКИЛОТИИИНГ АЪЗОЛАРИ ХАКИДА

«Бирлик» ташкилоти эски шахардаги босмахона биносида катта умумий йигилишда ташкил этилган эди. Йигилишда 300 дан ортик махаллий коммунистлар, шўро ходимлари ва тараккийпарварлар (жадидлар) катнашди. Карийб уларнинг хаммаси ташкилотга аъзо бўлиб ёзилади. Менимча, «Иттиходи тараккий» аъзоларининг хаммаси бўлмаса-да, кўпчилиги «Бирлик»ка аъзо бўлади. Шунингдек, ўша даврдаги коммунист ва шўро ходимларининг кўпчилиги «Бирлик»нинг аъзоси бўлган эди. Хозир уларнинг номлари эсимда йўк.
«МИЛЛИЙ ИТТИХОД»НИНГ АЪЗОЛАРИ ХАКИДА
«Миллий иттиход» бошликлари «Иттиходи тараккий»нинг хамма аъзоларини ва 8-курултойдаги миллий гурух делегатлари (унда «Миллий гурух» номини олганлар)нинг хаммасини ташкилотнинг аъзоси деб хисоблайди. Хозир мен булардан ташкари ташкилотга янгитдан кимларни кабул килганлигини айта олмайман. Эхтимол Садритдинхон Обидхўжа, Мансурхўжа, Каюмхўжа, Юсуфбек, Асадулла ва бошкаларни ташкилотга олиб кирган бўлиши мумкин, Ташкилот иш олиб боришда аъзо бўлганлардан хам фойдаланган.
1930 йил 15 май

ШАРК БЎЛИМИ ЎРТ. АГИДУЛИНГА (НУСХАСИ ЎРТ. КОРОТСКИЙ ВА МОСКВАДАН КЕЛГАН ЎРТОККА)
Махбус Мунаввар Кори Рашидхоновдан АРИЗА

Хозирги пайтда мен хамма хукуклардан махрумман ва бир кишилик (камера) даман. Менга энг катта жиноятчилар хам фойдалана оладиган хожатхона хам ман этилган. Бунга сабаб мен берган кўрсатмаларга ишонмаслик бўлса керак. Мен касал бўлиб ва кувватсизланиб колган бўлсам-да, олти ойдан бери бошкаларга ўхшаб ўз айбини яшириб сизни ва ўзимни кийнамай, хаммасини батафсил баён этмокдаман. Бунинг учун сиздан рахмат олиш ўрнига, бир кишиликда азобланмокдаман.
Бу ариза билан сизга Тошкент ва Намангандаги ташкилотлар хакидаги сўнги маълумотларни маълум килмокчиман. Балким, сиз бу ёзувларга хам ишонмай, уларни нотўгри деб, менинг махбуслик хукукларимни янада чеклаб кўярсиз. Иложим канча, туткинликдаман, хеч нима кила олмайман, Сизнинг олдингизда хатто пашшанинг кучига хам эга эмасман. Агар биргина бармогингиз билан боссангиз ўлимим аник. Шу холатимни била туриб, мен сизга ёлгон кўрсатма беришим мумкинми? Ёки, ўлимдан кўркканим учинми? Йўк, мен бундай хаётдан ўлимни афзал кўраман, хар бир дакика ўлимга тайёрман. Аммо хозир мендан ўлим хам кочмокда. Ўзимни оклаш учун нотўгри кўрсатма бериб, сиёсий бошкармани алдамокчиманми? Йўк, албатта. Мен Сиёсий бошкармани

алдаб бўлмаслигини, хар бир ёлгон мени янада боткокка ботиришини яхши биламан. Бу ерда ўтирган наманганлик ўртоклар «Бизнинг хамма сирни биринчи бўлиб у очиб кўйди» деб менга карши тишларини чархлаб турибди...» Балким, менинг кўрсатмаларимни дўстларим нотўгри деб исботлашга уринаётгандир. Улар баъзи бир, агар имконияти бўлса, ўзларини саклаб колиш учун айбнинг хаммасини менга юклашдан хам тоймайди. Шунинг учун менинг олдимда факат биргина йўл бор, у хам бўлса, бошимни Сиёсий бошкарманинг остонасига кўйиб, килган ишларимнинг ва билганларимнинг хаммасини айтиб бериш ва ундан менинг эски обрўларимни хисобга олмаган холда Тошкент ва Наманган ишларини хар томонлама текшириб кўришни илтимос килиш. Ишончим комилки, мен учун бундан бошка йўл йўк. Мен Сиёсий бошкарма кўрсатмасига кўра, агар бу умумий сиёсат бўлса, курбон бўлишга тайёрман. Менимча, Сиёсий бошкарманинг максади мен каби бир неча махаллий зиёлиларни йўк килишдангина иборат эмас, балки Тошкент ва Наманган ташкилотларининг хакикий хулк-атворини аниклаш бўлса керак.
Мен ўзимнинг сўнги «ёзувларим»нинг хар бир жумласи тўгри ва самимийлигига жавоб бераман...
Бу ёзишма билан мен ўзимнинг ташкилотчилик фаолиятимни яшириб, Наманган ва Тошкентдаги ташкилотлар ишида иштирок этганлигимни сизга маълум килмокчи эмасман.
Хакикатан хам мен ташкилотчилик билан машгул бўлганман. Мен доим барча махаллий зиёлиларни бир ташкилот байроги остида бирлаштириш, хамма орган ва ташкилотларда иш юритишни махаллий тилда олиб бориш ва шу йўл билан уларда ишловчи оврупаликларни хам махаллий тилда гапириш ва ёзишга мажбур килиш, шунингдек, буюк рус миллатчиларига карши курашиш дарди хаёли билан яшадим...
Хозир мен сизнинг кўлингизда туткинликдаман, агар ўлдирмокчи бўлсангиз, мана сизга менинг бошим...
Менинг шахсий хаётимга келсак, мен энг камбагал оиладан чикиб, бутун хаётимни халк маорифига, унинг бахт-саодатига багишлаб жамоат арбоби бўлдим. Хеч качон мени пул, бойлик ва мансаб кизиктирмаган. Онгли равишда хеч качон жиноят ва айб иш килган эмасман. Хамиша камбагаллик ва оддий хаёт билан каноатланганман. Хатто ўзимнинг биргина шахсий уйимни хам ярмини халк фойдасига маданий максад учун хадя килганман. Хозир унда 1 май номли мактаб жойлашган. 20-йилларнинг ўрталаригача Туркистоннинг дастлабки инкилобчиларидан бири бўлиб хисобланар эдим. Йигирманчи йилда Рискуловчилар гурухига кирдим ва шу билан аксилинкилоб «боткоги»га ботдим. Ўша вактларда мен билан бирга ишлаганларнинг баъзи бировлари ўз айбини чинакам афсусланиш, бошкалари эса, хоинлик билан пул ва амалга сотилиш эвазига ўзларини оклаб олди. Мен ўша пайтларда фирка олиб борган сиёсатнинг маълум кисмига кўшила олмас эдим, шунинг учун виждоним менга икки юзламачилик килишга йўл кўймади,
1930 йил 14 июнь

Бизлар айникса, миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин пировард максадимиз — буржуа-демократик Ўзбекистонни барпо этишни амалга ошириш умидида ўз фаолиятимизда асосан куйидаги уч холатни хисобга олган эдик:

1. Оммада миллий рухни ривожлантириш ва мустахкамлаш.
2. Шўро хукумати томонидан кўтарилган шўро аппаратини махаллийлаштириш хакидаги

шиордан фойдаланиб, аста-секинлик билан шўро аппаратини, унга миллий кайфиятдаги кишиларни жойлаштириш йўли билан кўлга олиш.
3. Мухожирлар билан алокани ташкил этиш, мухожирлар ва уларнинг оилаларига (шунингдек, аксил- шўравий фаолиятда жабрланганларга хам) ёрдам бериш.
Бизлар ўз фаолиятимизни бу кўрсатилган вазифаларга каратишда, шўро хокимиятининг Оврупо буржуазияси билан тўкнашувда мукаррар равишда халокатга учрашини назарда тутдик. Бизлар унинг (шўро хокимиятининг) йўк килинишига ишондик ва бунга тайёргарлик кўришга, шўро хокимияти халокати юз берганда хокимиятни кўлга олишга тайёр туришга карор килдик. Бизлар ўз хисобимизда шу холатни хам назарда тутдикки, шўро хокимияти ва комфирка жахон буржуазияси сикувига бардош беролмай, аста-секинлик билан ўз нуктаи назаридан, меньшевиклар томон кайтишга мажбур бўлади ва охир-окибатда халокатга учрайди, деб ишондик. Шу ерда, менимча, Убайдулла Хўжаев баёнотини мисол тарикасида келтириш ортикчалик килмайди. У шўро хокимияти ўзининг биринчи ўн йиллигига бормасданок, албатта Оврупо бужуазияси билан тўкнашувда халок бўлади, агар биринчи ўн йилликда у харбий тўкнашувга дучор бўлмаса, ахвол анча кийинлашади, деб айтган эди.

Юкорида кўрсатилган уч асосий холат ўша Шохабупдин эшоннинг уйида бўлиб ўтган йигилишда биз тузмокчи бўлган аксилинкилобий ташкилот ва унда тузилган Марказий Кўмита ишининг мазмунини ташкил этиши керак эди. Ташкилотнинг номи масаласи ўшанда очик колдирилади.
Чегараланиш миллатчилик майлларининг кучайишига туртки бўлди. Бизлар миллатчиликнинг ўсишини хамма жабхаларда — оммада хам, матбуопда хам адабиётда хам, ижтимоий хаетнинг хамма сохасида кузатиб турдик. Бу холатдан бизлар миллийликни [53] ривожлантириш ва мустахкамлаш учун фойдаланишга азму карор килган эдик.
Комфирка ва шўро хокимиятининг ич-ичидан айнаб кетиши ва харбий маглубият туфайли ўлимга махкумлигини хисобга олган холда, биз ўзимиз белгилаган вазифаларни рўебга чикариш учун амалий ишга киришдик.
Миллий гоя, миллий рухни мустахкамлаш ва ривожлантириш сохасидаги таргибот ишларини олиб бориш коммунистик кадрларнинг (савияси) паст бўлганлиги сабабли осон кўчди. Тошкентдаги газета ва журналларнинг редакцияларида хамда адабиётда Гози Юнус, Жулкунбой, Санжар, Элбек каби миллий зиёлилар катта рол ўйнаши билан бирга, салмокш таъсирга эга эдилар. Ўзбекистоннинг бошка вилоятларида хам ахвол шундай эди. Гапнинг кискаси, матбуотда миллий таъсир коммунистик таъсирдан кучли эди Масалан, чегараланишдан кейинги дастлабки даврдаги миллий матбуот ахволи тўгрисида аник ва тўгри тасаввурга эга бўлиш учун махаллийлаштириш масаласи сохасидаги газета маколалари билан танишишнинг ўзи кифоя. Гози Юнус очикдан-очик ёзса, бошкалар ўз миллий гояларини инкилобий сўзлар остига олган холда, эхтиётлик билан ёзади.
Чўлпондан ташкари, миллий рухдаги ёзувчилардан Элбек, Фитрат ва бошкаларни кўрсатиш мумкин (масалан, Фитратнинг «Турк ўгли» мактабларда «Байнал- милал» ўрнида ашула килиб айтиларди).
Миллийлик рухи иложи борича бадиий адабиёт ва дарсликларга, шу жумладан, ўзбек тили ва адабиёт дарслигига сингдирилишга харакат килинди. Мисол тарикасида мен, Шорасул Зуннун ва Каюм Рамазоний томонидан тузилган ўзбек тили дарслигини

кўрсатишим мумкин. Унинг тўртинчи кисми мусодара килинган, олдинги уч кисми эса ўзгартиришлар билан кайта чоп этилган. Шорасул Зуннуннинг грамматикаси («Тил коидалари»)да Чўлпоннинг хали эълон килинмаган, даврдан нолувчи шеъридан парча хам бор эди...

«МАХАЛЛИЙЛАШТИРИШ» СОХАСИДАГИ ИШ ХУСУСИДА

...(Шўро хукумати) аппаратида ишлайдиган кишиларни тайёрлаш ва улар оркали аппаратни кўлга олишга карор килинган эди. Бунинг учун бизлар шўро хукуматининг махаллийлаштириш тўгрисидаги шиоридан кенг фойдаланишга келишиб олдик. «Миллий истиклол» учлигини тузиб, унинг фаолиятини махаллийлаштириш масаласига йўналтиришга жиддий эътибор берилди. Бу максад учун «Учлик»нинг бири махаллийлаштириш комиссиясига якин туриши, бошкаси редакцияда ишлаши ёки унга якин бўлиши, учинчиси эса муассасалар билан алокада бўлиши ва бизнинг кишилар учун хизмат килиши керак эди...
Бир вактлар махаллийлаштириш сохасидаги комиссияни бизнинг одамимиз Али Расулов бошкарган.
1930 йил 18 июль

Толибжон Мусобоев хам Нажмитдин Шерахмадбоев каби «Иттиходи тараккий»нинг фаолларидан бўлган. У Саидносир Миржалилов ва Али Расуловлар билан биргаликда 1922, 1923 йилларда «М. И.» («Миллий ит- тиход») ишларида фаоллик кўрсатади.
Мен Мухитдинов оркали Бухородан олинган 100 ёки 200 тилло тангани Саидносир (Миржалилов) ва Толибжон (Мусобоев)га берган эдим.
«Иттиходи тараккий»нинг фаол аъзолари куйидаги кишилар бўлган: Саъдулла Хўжа, мен, Саидакрам (Саидазимбоев), Рамзетдин, Отахон (Назирхўжаев), Толибжон Мусобоев ва бошкалар. Энг мухим йигилиш- ларда бу фаолларнинг хаммаси катнашар эди.
1930 йил 23 июль

Биз миллатчилар икки гурухга бўлинар эдик. Би- ринчи гурух бу Ўзбекистондаги миллий харакат йўлбош- чиларидан иборат бўлиб, «Иттиход ва тараккий» ва «Миллий иттиход» каби аксилинкилобий ташкилотларни бошкаради. Бу гурухга мен Мунаввар Кори, Убайдулла Хўжаев, Саъдулла Турсунхўжаев, Файзулла Хўжаев (у ташкилотнинг Тошкент бўлимида иштирок этган), Саидакрам Саидазимбоев, Отахон Назирхўжаев, Саидносир Миржалилов, Али Расулов, Толибжон Мусобоев, Миён Бузрукни киритиш мумкин.
Булар кексаларнинг Тошкент гурухи бўлиб, босмачилик даврида, 1921 йилда босмачилар

билан алокада бўлади (босмачиларга Тангиркул Хўжа, Усмонхўжа Тошхўжаев ва Обидхўжа Саидовлар юборилган).
1924 йилда бу гурух бошликлари (Мен, Саидносир Миржалилов, Убайдулла Хўжаев) ўзларининг аксил инкилобий фаолияти учун шўро хукуматидан жабрланганлар, шунингдек, хорижга кочиб кетганлар ва уларнинг оила аъзоларига ёрдам бериш масаласида икки ёки уч марта йигилиб, маслахат килди.
Биринчи навбатда факат жабрланган (сургун килинган) ва кочокларнинг оилаларига ёрдам беришга карор килинди. Шу ернинг ўзида йигилганлардан пул йигиб олиниб, Саидносир Миржалиловга «Туркистон» ўртоклик ширкатида саклаш учун берилди. Бу йигилишларда иккинчи гурухдан хам кишилар катнашган эди. Охиргисида иккинчи гурухга учлик сайланади. Улар йигилган пулларни ишлатиш ва шўро аппаратини миллийлаштириш сохасида иш олиб бориши керак эди. Учликка Зохир (Захириддин) Аглям, Шахобитдин ва Эргаш кирди.
Шундан сўнг миллатчиларнинг биринчи гурухи (1924—1925 йилларда) хеч кандай ташкилий фаолият кўрсатаолмади...
Миллатчиларнинг иккинчи гурухи: Салимхон Тил- лахонов, Лазиз Азиззода, Обидхўжа Саидов, Тангрикулхўжа, Шахобитдин, Эргаш, Мансурхўжа Саидов, бир сўз билан айтганда, аксилинкилобий «Миллий иттиход» фаолиятида фаол иштирок этади.
Бу гурухдан Салимхон Тиллахонов, Лазиз Азиззода, Асадулла 1925 йилда хам уюшган фаолият билан банд бўлдилар. Мен уларга ГПУ олдида фош бўлиб колишларини назарда тутиб, С. Тиллахонов оркали ўзларини уюшган фаолиятдан четда тутишларини ва ташкилотга рахбарликни ГПУга маълум бўлмаган янгитдан тузилган учликка, яъни учинчи гурухга топширишни маслахат бердим. Бу учинчи гурухга Гулом Икромов, Мирхалил Каримов, Илхом Исломов, Абдулкосим Зиябоев, умуман «Миллий истиклол» ташкилотининг Тошкент бўлими аъзоларини киритиш мумкин.

тамом